


2 ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

МЕҲРНИНГ ВАТАНИ
ЎЗБЕКИСТОНДИР!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 ноябр кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 декабр куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган норасмий учрашувида иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 1 декабр — Руминия миллий куни муносабати билан Президент Клаус Йоханнисни, 2 декабр — Бирлашган Араб Амирликлари ташкил топган кун муносабати билан БАА Президенти Шайх Халифа бин Зайд Ол Наҳаённи, Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинган савна муносабати билан Президент Буннинг Ворачитни ҳамда 6 декабр — Финляндия Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Президент Саули Нийистэни табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий ҳимояси халқаро стандартларини жорий қилиш” мавзусида семинар ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида илм-фан, маданият, санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, журналистика, спорт, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқиётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришяётган 41 нафар йигит-қизга “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони тантанали топширилди. Бугунги кунда бу кўкрак нишони билан мукофотланган ёшлар сони 551 нафарни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида Бош қомусимизнинг 26 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шўҳрат Содиқов 3 декабр куни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ташир буюриб, жисмоний имконияти чекланган талабалар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорига мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби жорий этилган эди.

2018 йил 2 июндаги Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори билан қўшимча икки фоизли давлат гранти квоталарининг тақсимот қилиш тартиби белгиланди ва университетга ҳам 20 нафар жисмоний имконияти чекланган талабалар ўқишга қабул қилинган. Халқаро ногиронлар кунни арафасида университетда улар учун алоҳида шароитларга эга бўлган яшаш хоналари таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

ТАЙИНЛОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 декабрдаги қарори билан Равшан Ҳамидуллаевич Турсунов Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи этиб тайинланди.

Эслаб ўтамиз, Президентнинг 2018 йил 21 ноябрдаги қарори билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияси Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси сифатида қайта ташкил этилган эди.

НАТИЖА

ТАТУ ДАСТУРЧИЛАРИ ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАДА СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Tashkent U of IT #1 дастурчилар жамоаси Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган “Шимолӣ Европийе дастурлаш мусобақаси 2018”да 3-даражали дипломни қўлга киритишди.

Дастурлаш мусобақасида, бундан ташқари, Tashkent U of IT #2 ҳамда Tashkent U of IT #3 жамоалари ҳам юқори натижаларни қайд эттишди.

УЧРАШУВ

ДУНЁГА МАШҲУР HONEYWELL КОМПАНИЯСИ
ТОШКЕНТДА “АҚЛЛИ” ТИЗИМЛАР ЯРАТИШГА ҚИЗИҚМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамкорлиқда Америка Қўшма Штатларининг Honeywell компанияси му-

тахассислари билан музокара-лар ўтказди.

Учрашувда Honeywell компанияси мутахассислари Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида “Ақлли шаҳар” (Smart cities), “Ақлли бино” (Smart Buildings), ақлли ёритгичлар, интеллектуал транспорт

тизими, коммунал соҳа бўйича ақлли ҳисоблагич тизими (электр, сув, газ), ақлли автотураргоҳлар, чиқиндиларни интеллектуал бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича тақдимотлар ўтказишди.

Қайд этиш лозимки, жаҳонга машҳур бу компания

кўплаб мамлакатларда “ақлли” тизимлар яратган. Жумладан, Дубайдаги улкан “Бурж Халифа” иншоотини ўзининг тизимлари билан жиҳозлаган. Ҳозирда “Бурж Халифа” нафақат дунёнинг энг баланд биноси, балки энг “ақлли” иншоотларидан бири саналади.

ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИНИНГ 10 БАРОБАР ОШИРИЛИШИ

“Ўзбектелеком” АК қандай чора-тадбирларни амалга оширди?



◀1-бет.

“Энди тариф режаларида “гача” қўшим-часи мавжуд бўлмайди, бу танлаб олинган тариф режаси бўйича тезликнинг кафолатланишини англатади. Энди 1 Мбит/с = 1 Мбит/с. эканлигини англатади.”

Тезлик 10 баробар оширилди

“Ўзбектелеком” АК томонидан “Халқаро пакетли коммутация марказлари ва маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида Халқаро пакетли коммутация маркази комплекслари модернизация қилинди ва шундан кейин ХПКМ комплексларининг умумий ўтказиш қобилияти 10 марта: ўзгаририлган трафиғи 110 Гбит/с дан 1200 Гбит/с. гача ўсди.

Шу тариха, ХПКМ комплекси умумий ўтказиш қобилияти 10 баробар оширилди.

Провайдерлар учун тарифлар нархи 3 баробар пасайтирилди

“Ўзбектелеком” АК фаолиятининг устувор йўналишларидан бири мамлакатимиз операторлари ва провайдерлари билан самарали ҳамкорлик қилишдир. Йил бошида интернет хизматларининг минтақавий бозорини ривожлантириш учун компания операторлар ва провайдерлар учун интернет-каналда тарифнинг нархини 3 баробар пасайтирди.

■ 2018 йил 10 июлда Халқаро пакетли коммутация марказига уланган операторлар ва провайдерлар учун ташқи интернет-канал тарифлари 1 Мбит/с.

нархи 244 958 сўмдан 176 682 сўмгача туширилди;

■ 2018 йилнинг декабр ойида операторлар ва провайдерлар учун 1 Мбит/с. нархи 85 000 сўмни ташкил этади.

Фойдаланувчи учун интернет тезлиги ва нархини провайдер белгилайди, ammo...

Талбирда ўтказиш қобилиятини 10 баробар кенгайтириш натижасида “Ўзбектелеком” АК оператор ва провайдерларнинг барча аризаларини тўла ҳажмда чекловларсиз қондира олиши таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир оператор ва провайдер ўз хизматлари учун нархларни ўзлари мустақил равишда белгилаши, тезлик масаласида эса, у муайян провайдер ёки оператор тармоғининг технологиялари ва техник имкониятларига боғлиқлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш иштирокчиларини бир савол қизиқтирди: нархларнинг туширилиши ва тезлик оширилиши фақат UZTELECOM тарифларида сезиладими ёки бошқа интернет провайдерлар ҳам бунга амал қиладими?

Бу саволга: “Интернет провайдерларнинг тезлики ошириши ва нархларни туширишини АКТ вазирлиги соҳа-

нинг регулятори сифатида мувофиқлаштириб боради”, деб жавоб берди АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров.

Энди тариф режаларига “гача” қўшимчаси бўлмайди

Бугунги кунда компанияни ўз провайдери сифатида танлаганларга UZTELECOM тариф режаларида эълон қилинган тезликни кафолатлайди. 2018 йил 1 декабрдан бошлаб UZTELECOM янги кафолатланган чексиз тариф режаларини ишга туширди. Ўзбекистонда биринчи марта 2 Мбит/с. тезликка эга кафолатланган чексиз интернет нархи ойнага 88 000 сўмни ташкил этди, бу олдинги шундай тариф режадан 2 мартадан ортиқ арзонроқдир.

Бундан ташқари, энди тариф режаларида “гача” қўшим-часи мавжуд бўлмайди, бу танлаб олинган тариф режаси бўйича тезликнинг кафолатланишини англатади. Энди 1 Мбит/с = 1 Мбит/с. эканлигини англатади.

“Teznet Business” ва “Tadbirkor” тариф режалари

Фаол талбиркорлик, инновацион гоялар ва технологиялар йилида UZTELECOM ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлайди. 1 декабрдан компания ўз абонентларига: “Teznet Business” ва “Tadbirkor” янги тариф режалари серияларини тақдим этди.

IT-соҳасини ривожлантириш ва давом эттирилади

Компания режаларида Ўзбекистонда IT-соҳасини ривожлантиришни давом эттириш белгиланган. Асосийси, мамлакат ҳудудини тармоқ билан қамраб олиш даражасини ошириш: 2025 йилгача

UZTELECOM 220 минг километрдан ортиқ оптик кабел ётқизиши белгиланган.

Хусусан, маълумотлар узатиш тармоғига замонавий технологияларни фаол жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш ва АК магистрал ва мультисервиси маълумотларини узатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ва Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) иштирокида “Магистрал ва мультисервиси маълумотлар узатиш тармоқларини кенгайтириш” ва “Коммутация марказларини IMS (IP Multimedia Subsystems) технологияси бўйича такомиллаштириш” инвестицион лойиҳалари амалга оширилади.


ADSL тармоғини

ривожлантириш тўхтатилади

2019 йилдан бошлаб “Ўзбектелеком” АК ADSL тармоғини ривожлантиришни тўхтатади ва барча кучларини FTTx технологияси бўйича тармоқни ривожлантиришга йўналтиради.

Компания режаларида абонентларни FTTx технологияси бўйича босқичма-босқич улаш ва ҳар бир фойдаланувчига юқори сифатли интернет хизматларини тақдим этиш белгиланган.

Лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини қисқа муддатларда республиканинг барча минтақаларида мисли тармоқдан кенг полосали оптик тармоқларга уланишга ўтказиш имконини беради. Магистрал ва мультисервиси маълумотларини узатиш тармоғини кенгайтириш “Ўзбектелеком” АК интернет тармоғига уланиш нархини пасайтириш бўйича ишларни давом эттириш имконини беради.



52 ДАҚИҚАЛИК МАЪРУЗА



● Суратларда: Тадбирдан лавҳалар

52 дақиқалик маъруза фойдали бўлди, буни ҳамма завқ билан тинглаганидан ҳам билса бўлади, дея эътироф этди.

Кўп тадбирларда бўла- миз: кун тартибига қўйилган мавзуларда узундан- узун маърузалар қилинади, бошланишида қизиқарлидек туюлади. Кейин эса зерика бошлайсиз, ҳатто тадбирга бекор келибман, дея афсусланасиз. Мавзуга номигагина тайёрланиб келган нотикларнинг чиқишларидан ҳеч нарса ололмайсиз, такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган маълумотларни эшитиб ҳафсангиз пир бўлади. Аммо Ўзбекистон касаб- уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб- уюшмаси Республика кенгаши томонидан шу йлнинг 30 ноябр куни ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган маънавий- сийқаси ҳақида тадбирга таклиф қилинган Тошкент давлат юридик университети профессори,

юридик фанлар доктори Фирюза Муҳитдинова “Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори” мавзуда қарийб бир соат давомида маъруза қилиб, Конституциянинг маъно-мазмунини, моҳиятини ва унинг ҳаётимизда тутган ўрнини содда тилда тушунтирди.

– Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа асосий ҳужжатларига мос бўлган, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожининг бой тарихий тажрибасига таянган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият эканлигини, фуқароларнинг эрки, ҳуқуқ ва манфаатлари давлат манфаатларидан устунлигини қонуний мустаҳкамлади, – деди нотик. – Уни халқчил деймиз, чунки Конституциянинг 7-моддасида, “Халқ давлат ҳокимия-

тининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади” деб белгилаб қўйилган. Ёки бўлмаса, Бош қонунимизнинг 59-моддасига асосан, касаб- уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этишлари ва ҳимоя қиладилар, дейилган. Демак, касаб- уюшмаси кўмиталари уюшма аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур. Бу, ўз навбатида, касаб- уюшмалари вакилларининг демократик ҳуқуқий давлат ва алоқатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштироки муҳимлигини аналтади.

Профессор Ф.Муҳитдинова ҳаётини мисоллар асосида Конституция моддаларининг

аҳамияти ҳақида сўз юритдики, тингловчилар берилиб тинглашди. Донишманд ва шоиру ёзувчиларнинг асарларидан қизиқарли мисоллар, шеърлар ўқиб, мавзунини тўлақонли очишга ҳаракат қилди, албатта, бу бежиз кетмади.

Тадбирни бошқарган Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб- уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев ҳам 52 дақиқалик маъруза фойдали бўлди, буни ҳамма завқ билан тинглаганидан ҳам билса бўлади, дея эътироф этди. Ўз навбатида, тадбир иштирокчиларини – Федерация ҳамда унга аъзо ташкилотлар ва Тошкент шаҳридаги бошланғич кўмиталарининг раислари ва фаоллари ҳам қизиқарли маъруза учун нотикқа миннатдорлик билдиришди.

А.АБДУРАҲМОНОВ

Иброҳим ДУШАНОВ
олган суратлар

ИМКОНИЯТ САРИ ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

Ходимларимизга шаҳардан имтиёзли уй-жойлар олишларига ёрдам қилинса, нур устига нур бўларди.

Юртимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлиги конституцияимизда белгилаб қўйилган. Бугун давлат идора ва ташкилотлари ходимларига касаб- уюшмалари томонидан қаратилаётган эътибор сезиларли даражада самарали бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бойси, халқ дардини тинглаш, улар билан ҳамжihatликда иш олиб бориш бугуннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланганидир.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб- уюшмаси Республика кенгаши масъул мутахассислари томонидан жойларда соҳа ходимлари ҳолидан хабар олинди, уларнинг шароитлари яқиндан ўрганилмоқда. Бу галги учрашув манзили Муҳаммадал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали бўлди.

– Аввало, ташрифингиз учун сизлардан миннатдоримиз, – дея сўз бошлади филиал декани Уринбосари Эркин Авазов. – Сизнинг фаолиятингиздан, бизларга берилаётган эътибордан хурсандимиз. Биласизми, муассасамизда чекка ҳудудлардан келиб ишлайдиган ходимларимиз ҳам кўп. Масалан, Хазорасп тумани Урганч шаҳридан 120 қақирим узоқда. Шу боис ходимлар шаҳарда ижарада туриб фаолият олиб боришади. Бу эса йўлқира ва ижарага ортиқча маблағ сарф қилинишига олиб келади. Агар мумкин бўлса, ходимларимизга шаҳардан имтиёзли уй-жойлар олишларига ёрдам қилинса, нур устига нур бўларди.

Тадбир аввалидаёқ ўртага ташланган бу таклиф ва мулоҳазалар уюшма масъуллари томонидан инobatта олинди, республика миқёсида кўриб чиқиладиган бўлди.

Президентимиз 2016 йил 28 ноябрда “Касаб- уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунни имзолаган эди. Қонунга киритилган қўшимчалар халқаро ҳуқуқ нормалари ва Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияномаларига кўра қабул қилинган.

– Илгари юқори ташкилот вакиллари тавсиялари билан соҳага янгиланган киритилган бўлса, ҳозирда биз халқ ичига кириб, улар фикрини ўрганган ҳолда режалар тузганимиз, – деди тадбирда сўз олган касаб- уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Раъно Тўраева. – Ташрифимизни Хоразм вилоятинан бошлашимиз асосий сабабларидан бири, бу вожа марказдан анча узоқда жойлашган. Биз ишимизни шундай узоқ ҳудудлар

аҳолисининг таклифлари ва муаммоларини ўрганишдан бошланиш мақсад қилганмиз. Касаб- уюшмаларининг ҳудудий бўлинмаларида фаолият юритаётган ходимларимизни қўйиб қўйиб муаммолар, шароитлар билан яқиндан танишдик. Кувонарлиси, улар ўз фаолиятларидан мамнун.

Учрашувлар вилоятнинг Хива ва Қўшқўпир туманларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Албатта, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб- уюшмаси Республика кенгаши томонидан соҳа ходимларига берилаётган имконият ва имтиёзлар фаолият жараёнида ўз самарасини беради. Байрам кунлари берилаётган таътилар эса ички туризм ривожига ҳисса қўшади.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Давлат хизматлари агентлиги мутахассислари томонидан Туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Самарали давлат бошқаруви-ни ривожлантиришга кўмаклашиш ва рақамли трансформация" кўшма лойиҳаси ҳамда БМТнинг "Орол бўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш" кўшма дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган.

ЯНГИ ЛОЙИҲА: ТУҒИЛГАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ ЭНДИ ЭЛЕКТРОН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Лойиҳада регламентнинг жисмоний шахсларга (боланинг ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, кўшнилари ёки ота-онаси ёхуд ота-онасидан бири ваколат берган бошқа шахслар) (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб юритилади) туғилганликни қайд этиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартибини белгилаши назарда тутилмоқда. Унга кўра, қуйидаги ҳолларда:

■ никоҳда бўлмаган ота-онани туғилган боланинг туғилиши уларнинг биргаликдаги аризаси (оталигини белгилаш) асосида туғилишини қайд этишда;

■ топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилишини қайд этишда;

■ ёлғиз онанинг аризаси билан боланинг туғилишини қайд этишда;

■ ўлик туғилган боланинг туғилганлигини, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) болаларнинг туғилганлигини, шунингдек, эгизаклардан бири ўлик туғилганда ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида (перинатал ўлим) вафот этганда тирик эгизакнинг туғилганлигини қайд этишда;

■ суднинг ҳал қилув қарорига асосан боланинг у ёки бу онадан туғилганлик фактини қайд этишда татбиқ этилмайдди.

Давлат хизмати кўрсатишда қуйидагилар амалга оширилади:

а) Тиббий муассаса (туғуруқхона, шифохона туғуруқ бўлими):

- ота-она ва бола ҳақидаги барча маълумотлар тегишли сўровномага ва электрон тиббий маълумотномасини шакллантириш учун махсус электрон бланкка киритилади;
- тўлдирилган сўровнома ва унга илова қилинган электрон тиббий маълумотномаси, сўровномада кўрсатилган (ота-онанинг яшаш манзили ёки бола туғилган манзили бўйича) Давлат хизматлари марказига юборилади.

б) Давлат хизматлари маркази:

- сўровнома ва унга илова қилинган электрон тиббий маълумотномани ФХДЁ бўлимига электрон тарзда етказиб беради;
- ариза берувчининг сўровига кўра, тегишли электрон тиббий маълумотномаси ва алмашиш картасини ариза берувчининг яшаш жойидаги тиббий поликлиникага юборлади;
- туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ариза берувчига беради.

в) ФХДЁ бўлими:

- туғилганлик ҳолатини қайд этади;
- туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани Давлат хизматлари марказига етказиб беради;
- бир марталик нафақани бериш учун тегишли Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сўровнома ва туғилганлик ҳақидаги маълумотномани электрон тарзда юборлади.

г) Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тегишли сўровномани ва илова қилинган ҳужжатни ўрганиб чиқиб, сўровномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бир марталик нафақани ўтказиши.

д) Тиббий поликлиника маълумотнома асосида болани ушбу тиббий поликлиникада ҳисобга қўяди.

Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ бўлиmlари, тиббий муассасалар, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари ҳамда тиббий поликлиникалар ўртасидаги ахборот алмашишуви орқали фақат идораларо электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, бола туғилган жойдаги тиббий муассаса ходими ариза берувчи номидан давлат хизматини олиш сўровномасини электрон тарзда тўлдиради. Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар электрон кўринишда илова қилиниши регламент лойиҳасида акс этган, яъни:

- туғилганлик ҳақидаги электрон тиббий маълумотнома;
- электрон алмашиш картаси;
- ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (нусахаси);
- никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (маълумотнома) (нусахаси).

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган алоҳида ҳолларда ота ёки она ҳақида маълумотлар никоҳ тузилганлиги ёки аввалги болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари асосида кўрсатилади.

Ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда боланинг туғилганлигини қайд этиш тиббиёт муассасасининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Бола туғилгунга қадар унинг отаси вафот этган вақтдан, ота-онаси никоҳ бекор қилинганлигидан ёки ота-онасининг никоҳи суд томонидан ҳақиқий



эмас деб топилгандан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса ариза берувчи томонидан никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қароридан ҳақидаги маълумотномани электрон тарзда юборлади.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўричилигини текшириб, ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Ариза берувчида сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек давлат хизматлари кўрсатиш учун тўловни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишини рад этиш учун асос ҳисобланади.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда, давлат хизматини кўрсатиш учун тўланган маблағлар қайтарилмайди.

Тиббий муассаса ходими томонидан сўровнома тўлдирилиб, у ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланганидан сўнг, барча ҳужжатларнинг электрон нусахаси 1 иш соат давомида Давлат хизматлари марказларига юборилади. Давлат хизматлари маркази сўровнома тушганидан сўнг 30 дақиқа мобайнида марказда жойлашган ФХДЁ бўлиmlарига сўровнома ва илова қилинган ҳужжатларни юборлади. Ариза берувчининг сўровига кўра, тегишли электрон тиббий маълумотномаси ва алмашиш картасини ариза берувчининг яшаш жойидаги тиббий поликлиникага болани ҳисобга қўйиш учун юборлади.

ФХДЁ бўлиmlари туғилганликни қайд этиш масаласидаги сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олганидан сўнг 3 иш соати ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш

қоидаларига асосан кўриб чиқади ва натижасига кўра болага нисбатан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштирилади.

ФХДЁ бўлиmlари 20 дақиқа ичида қайд этилган туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви, туғилганлик ҳақида гербли гувоҳномани Давлат хизматлари марказига етказиб беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlи сўровнома ва туғилганлик ҳақида маълумотномани юборлади.

Ўзбекистон Республикаси қирғон вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlи сўровнома ва туғилганлик ҳақида маълумотномани юборлади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlи сўровнома ва туғилганлик ҳақида маълумотномаси билан тасдиқланади.

Тиббий поликлиника боланинг электрон тиббий маълумотномаси ва алмашиш картаси келиб тушганидан сўнг 1 иш кунни мобайнида сўровномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бир марталик нафақани ўтказиши ариза берувчининг сўровига кўра, ўзи мурожаат қилган тақдирда, нақд кўринишида беради.

Давлат хизматлари маркази ФХДЁ бўлиmlари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан сўнг 10 дақиқа ичида ариза берувчининг ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади ва ариза берувчига болага нисбатан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини имзолатган ҳолда тақдим этади.

Агар ариза берувчи туғилганликни қайд этиш ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни 3 иш кунни давомида Давлат хизматлари марказидан олиб кетмас, Давлат хизматлари маркази ушбу ҳужжатларни далолатнома тузган ҳолда тегишли ФХДЁ бўлиmlарига топширади ва бу ҳақда ариза берувчининг хабардор қилади.

Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ бўлиmlари, тиббий муассасалар, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари ҳамда тиббий поликлиникалар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ариза берувчилик ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

Хулоса шунки, лойиҳа фуқароларимизнинг бир неча идора орасидаги сарсонгарчиликларни, бюрократиянинг олдини олиш ва бир жойнинг ўзида бир неча ташвишлардан халос бўлишига имкон яратди.

“
Лойиҳа фуқароларимизнинг бир неча идора орасидаги сарсонгарчиликлари, бюрократиянинг олдини олиш ва бир жойнинг ўзида бир неча ташвишлардан халос бўлишига имкон яратди.”

КРЕДИТНАЯ СИСТЕМА ГЛАЗАМИ СТУДЕНТОВ

С сентября 2018 года в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий началось внедрение кредитной системы обучения. Это было сделано по нескольким причинам: чтобы поднять уровень преподавания в ВУЗе на новый уровень и улучшить качество обучения.



Система была внедрена для того, чтобы наши студенты имели, хоть и малый, опыт выбора. Это ведет к самостоятельности, необходимости самосовершенствования, постоянно движению в "море информации". С первых дней

мы почувствовали ответственность за сделанный выбор. А выбирать пришлось между преподавателями, у которых свои требования, особенности проведения лекционных, практических и лабораторных занятий. Нужно было

не отставать, поскольку каждое пропущенное занятие отодвигало от понимания следующей темы и так по нарастающей росло как снежный ком. Но как и все системы эта система тоже имеет свои плюсы и минусы. Так, чем отличается кредитная система от предыдущей системы обучения.

Во-первых: как понимать слово "кредит"?

Как говорили в начале года преподаватели: "Мы не банк! Мы не даем кредит!" Так что же это такое? Кредит это в своем роде набор изучаемых предметов и дисциплин, которые в сумме дают некую базу. Студент может выбрать предметы "по выбору", набрав вперед, как "в долг" сумму дисциплин, каждая из которых имеет свою "кредитную стоимость". То есть студент изучает предмет, учитель его оценивает и в конце студент сдает экзамен, если набирает проходной балл, получает обещанное количество кредитов. По правилам, чтобы окончить ВУЗ нужно набрать 240 кредитов.

Во-вторых: приучение к самостоятельному выбору.

Самостоятельный выбор предметов и преподавателей. Это сторона системы

сразу понравилась всем студентам. Можно просмотреть и прослушать пробную лекцию или презентацию и сделать выбор в сторону одного из понравившихся преподавателей. Но поскольку система новая и выбор предметов был организован впервые, то были некоторые нестыковки, но не все остались довольны.

В-третьих: внедрение электронной системы оценивания студентов.

Отмена бумажных работ, электронная сдача самостоятельных, практических и лабораторных работ с помощью системы lms.tuit.uz

Всем известно, чтобы получить оценку нужно сдать целый ряд работ в бумажном виде. Новая система включила в себя сайт, которая стала, так сказать, ареной для предоставления и оборота работ студентов. Но именно в этом пункте есть один нюанс. Вместе с сайтом был внедрен и метод "дедлайнов", то есть, сдавать работу нужно до определенного срока. Большая часть непонимания и разногласий случилась именно из-за этого.

В целом кредитная система, которая к стати используется практически во всех передовых вузах мира, не позволяет студенту расслабляться. А это значит, что нужно еще очень много узнать, изучить, чтобы потом применять та в практике!

Лутфулла АЗИЗОВ,
студент 1-курса ТУИТ,
Людмила ВАРЛАМОВА,
доцент кафедры
"Мультимедийные
технологии" ТУИТ

МАСТЕР-КЛАСС

МЕЖДУНАРОДНЫЙ КИНОФЕСТИВАЛЬ PROLogue

27 — 30 ноября в столице проходил международный кинофестиваль PROLogue. Свои фильмы показали представители 13 стран, в том числе США, Франция, Корея, Польша, Иран, Казахстан, Киргизия, Турция, Босния и Герцеговина.

Все фильмы — участники фестиваля были предварительно отобраны компетентной комиссией. Гости и участники фестиваля были рады приветствовать председателя жюри полнометражных фильмов актера Сергея Шакурова, оscarоносного кинорежиссера Владимира Меньшова, ведущего российского продюсера Сергея Сельянова и многих других знаменитостей из мира кино.

Преподаватели и студенты факультета телевизионных технологий Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий также участвовали в просмотрах и встречах этого кинофорума. В рамках фестиваля были проведены и мастер-классы. Два из них были проведены на кафедре ТТИ университета — отдельно для студентов первого и четвер-

того курсов. В гости к студентам пришел участник фестиваля Темирбек Бирназаров, режиссер конкурсного фильма "Ночная авария", Киргизия. Он рассказал о работе режиссера, оператора, значении света при съемках фильмов, работе с актерами, ответил на многочисленные вопросы присутствовавших на мастер-классах и сообщил что его фильм отобран для участия в "Золотом Глобусе" в США. Этот престижный киносмотр проводится перед знаменитым "Оскаром".

На закрытии фестиваля PROLogue исполнитель главной роли в конкурсном фильме Бирназарова "Ночная авария" Окилбек Абдухоликов был признан лучшим актером фестиваля. Участие студентов и преподавателей факультета телевизионных технологий в подобных престижных международных фестивалях и мастер-классах — отличная школа, практика и учеба.

А. АБДУРАХИМОВ,
старший
преподаватель ТТУ

ВСЕМИРНЫЙ БАНК ДАСТ СВОИ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО РАЗРАБОТКЕ КОНЦЕПЦИИ НОВОГО ПОРТАЛА ОТКРЫТЫХ ДАННЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ

В Центр электронного правительства (Центр) осуществлен визит Группы Всемирного банка по вопросу изучения состояния экосистемы открытых данных и дальнейшей подготовки дорожной карты.

На встрече приняли участие консультанты банка Стела Люка, Ирина Тисакова во главе с главным специалистом по реинжинирингу Молдавия Владом Манюлом, представители Представительства ОБСЕ в Узбекистане, Мининформком, а также руководство и сотрудники Центра.

Участники обсудили приоритетные направления дальнейшего двустороннего взаимодействия, в частности гости дали свои рекомендации по проекту концепции дальнейшего развития открытых данных в Республике Узбекистан.



Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Биргина таълим соҳасини компютерлаштириш ва автоматлаштириш, бошқарувда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория ва техник жиҳозлар, компютерлар, мултимедияли электрон ресурслар, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланаётгани, тизимда масофавий таълимнинг жорий этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.



КЕЛАЖАК ТАЪЛИМИ

Шу ўринда эътиборимизни масофавий таълимга қаратсак. Хўш, масофавий таълим нима? У қандай афзалликларга эга?

Масофавий таълим — бу бир жойдан туриб, қайси вақт бўлишидан қатъи назар, шахсий режа асосида ўқиш ҳамда билим олиш жараёнидир. Масофавий таълим деганда ўқув ахборотларини масофали алмашиш воситаларига асосланган (йўлдошли телевидение, радио, компютер алоқаси ва бошқалар) махсус ахборот-таълим муҳити ёрдамида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган таълим хизматлари тушуналади. Бу таълим тури Фарба аънавий бўлиб қолди. Ҳар бир юқори мавқега эга университет ҳозирда албатта масофали таълим дастурига эга. Таълимнинг бу шаклини "Келажак таълими" деб атасак муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳам масофали таълимнинг ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, таълим муассасалари бу жараёнда фаол қадамларни ташламоқда. Кўпчилик бунга

ташқи таълимнинг янги тури деб ҳисоблайди. Маълум даражада бу шундай. Чунки, бугунги кунда дунёда масофавий таълим бўйича таҳсил олаётган талабалар ва ундан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Масофавий таълим узлуксиз таълим тизими шаклларида бири бўлиб, инсоннинг билим олиш ва ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишга йўналтирилган. Ушбу дастурнинг мазмуни айнан масофали таълим ва замонавий техника ҳамда технологиянинг бир-бирдан ажралмаслигидан иборат.

Масофавий таълим янги педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, у кўпгина афзалликларга эга. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, талабанинг билим олиш жараёнида эркинлиги, таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, ўқув жараёнида аудио-видео, анимация, графикалар қўлланилиши натижасида ўзлаштиришнинг юқори кўрсаткичга эга бўлиши, билимларнинг ҳолисона

баҳолалиши, назарияни амалиёт билан таққослаш имконияти, дунёнинг етук профессор-ўқитувчилари маърузаларидан фойдаланиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ўқитишнинг янги шаклида назорат усули сифатида масофали ташкил этилган митохондлар, суҳбатлар, курс ва лойиҳа ишлари, компютерли интеллектуал тест тизимларидан кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда масофали ўқитишга йўналтирилган видео-конференциялар усули кенг тарқалган. Бунга биз биргина Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Нукус, Фарғона, Қарши, Самарқанд, Урганч филиаллари ўртасида тўғридан-тўғри дарс ўтиш мисолида кўришимиз мумкин. ТАТУнинг Нукус филиалида бу жараён 2011 йил апрел ойидан йўлга қўйилиб, ҳозирга қадар филиал талабалари ахборот технологиялари соҳасидаги долзарб мавзулардан ташкил топган маърузалардан бохабар бўлиш билан биргаликда, бошқа вилоятларда таҳсил олаётган тенгдошлари

билан соҳага доир фикр-мулоҳазалар алмашиб келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг билим олиш савиясини оширишга ва дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилляпти.

Масофавий таълимни олий ўқув юртли билан бир қаторда касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида ҳам ўқитиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, чекка қишлоқларида ҳам муаммоли мактабларида ҳам ўқитиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар жойлардаги ёшлар ҳам мутахассислар етарли эмас. Агар жойлардаги ёшлар ҳам мутахассис домлалардан сабоқ олишни, қолаверса, ўз тенгдошлари билан узвий мулоқотда бўлишни таъминласак, уларнинг интеллектуал салоҳияти, замонавий билимни авлод бўлиб улғайишига замин яратган бўлаемиз. Зеро, бунунинг кун барчамиздан жаҳон андозаларига мос билимга эга бўлишимизни талаб қилмоқда.

Айгул ТУМАЕВА,
ТАТУ Нукус филиалининг
1-босқич магистранти

Масофавий таълимни олий ўқув юртли билан бир қаторда касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида ҳам ўқитиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТАНЛОВ

СТАРТАП ТАШАББУСЛАРИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ёшларнинг стартап-ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурий танлов бўлиб ўтди.

Турт кун давом этган танлов саралашининг натижаларига кўра, "Стартап-ташаббуслари" дастурининг учинчи даврида Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан топширилган 20та стартап-лоийҳа иштирок этди. Бундан ташқари, барча вилоятлардан топширилган лойиҳалар орасида танлов бўлиб ўтмоқда ва улар учун республика бўйлаб семинарлар ва мастер-

класслар ташкил этилади.

Жорий йилда стартап-лоийҳа танлови мамлакатимиз барча ҳудудларини қамраб олди. "Э-тижорат" соҳасидаги лойиҳалар энг оммавий бўлиб қолаётганига қарамастан жорий йилда таълим, қишлоқ хўжалиги тизимидаги лойиҳалар ҳам тақдим этилган.

Дастурнинг икки кунлик интенсив семинар бошлаб бериб, унда иштирокчилар LeanStartup (тежамкор стартап) усули бўйича стартапни ишга тушириш асосларини ўргандилар. Таълим қисмидан кейин ёш стартапчилар лойиҳаларини амалга оширишга киришадилар, яъни лойиҳани ривожлантириш "Йўл харитаси" яратишиб, прототипни ишлаб чиқиш ва синов сотувлари бошланади.

Жорий йилда дастлабки даврни ўтказиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътибор иштирокчиларга техник кўмак кўрсатишга қаратилди. Бунинг учун мураббийлар ва трежерлар сифатида стартапларни яратишда катта тажрибага эга бўлган бозор етакчилари — тадбиркорлар жалб этилди.

— Стартап деганда, биз одатда янги тадбиркорлик фаолиятини бошлашни тушунамиз, — дейди ТАТУ Самарқанд филиали илмий бўлими бошлиғи, техника фанлари доктори Холида Примова. — Бунда ҳар қандай соҳада бўлмасин, кичик даромад келтирадиган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мумкин. Лекин, стартапга аниқроқ таъриф берадиган бўлсак, бу юқори технологияларга асос-

ланган ёки олийгоҳларда илмий тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмалар, соҳадаги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ишланмадир.

Ушбу ташаббус Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш" қўшма лойиҳаси доирасида Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

ҲАЁТИМИЗДАГИ ЭНГ МУҲИМ САНА



1992 йилнинг 8 декабри республикаимиз ҳаётида энг муҳим сана ҳисобланади. Шу кунни мустақил ва озод Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Конституциямиз хос жиҳатларга эга бўлиб, миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдизлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган ҳолда халқимиз юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида бугунги кунда республикаимизда амалга оширилаётган барча изчил ислохотларга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қиляпти.

Бахтимиз қомусида оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган. Конституциянинг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида тариқасида мустақамлаб қўйилган. Цензуранинг тақиқланиши билан оммавий ахборот воситаларига турли тазйиқлар ўтказилишининг олди олинди. Ушбу конституциявий қоида республикаимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари чинакам эркин ижод қилишларига кафолат бўлиб хизмат қиляпти.

Республикаимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиб, бу Асосий қонунимизнинг 13-моддасида белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг 36-

моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, 53-моддасида эса фуқаронинг хусусий мулки бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Бугунги кунда республикаимизда тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, улар ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинаётгани, бу борада қабул қилинаётган қатор қарорлар ушбу модда ҳаётиимизда тўлиқ амалда эканлигидан далолатдир. Юртимиз тадбиркорлари айни кунларда ўз ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб, юрт ривожига ўзларининг муносиб улушларини қўшишяпти.

Эртага республикаимиз аҳолиси Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг 26 йиллигини катта тантана билан нишонлайди. Улар Конституциямизнинг ҳаётбахш кудрати ва салоҳияти, унда

муҳим бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг чуқур ўйланган, муҳокама этилган ҳолда қабул қилингани, ҳар томонлама мустақам асосга эга эканлигини дилдан англаб, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, зиммаларидаги вазифаларни тўлиқ адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Конституцияимизда белгилаб қўйилган олий мақсадимиз — демократик ҳуқуқий давлат қуриши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида, давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Бош қонунимиз асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида улкан аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

**Шарифа
АБДУҒАФФОРОВА,
Янгийўл туманидаги
6-мактаб тарих фани
ўқитувчиси**

ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

**Қадрли юртдошлар!
Барчангизни Асосий Қонунимиз —
Конституциямиз қабул қилинганлигининг
26 йиллиги билан қутлаймиз!**

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ
СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**“Ўзбектелеком” АК
ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛ ТАРМОҚЛАРИНИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЖАМОАСИ**

**Конституциямизнинг
26 йиллиги муносабати билан
юртдошларимизни
муборакбод этади.**

Мустақиллигимиз бардавом бўлсин!

● Реклама ва эълонлар



“UNICON.UZ” ДУК
жамоаси

Серқуёш юртимиз аҳолисини
ҳамда соҳа ходимларини
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
билан табриклайди.

“Ўзбектелеком” АК
“ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМ”
ТАРМОҚЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



Халқимизни
8 декабр — Конституция
куни билан
қутлайди.



Юртдошларимизни
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
26 йиллиги
билан табриклаймиз!

“Ўзбектелеком” АК
“СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ”
ТАРМОҚЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



“Ўзбектелеком” АК
“САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ”
ТАРМОҚЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимиз кафолати бўлган
КОНСТИТУЦИЯМИЗ
қабул қилинганлигининг
26 йиллиги билан барчани
муबारакбод этади.



Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ҲАЁТДА ХОҲЛАГАНИМИЗГА ЭРИШИШ УЧУН ЗАРУР САБОҚЛАР

Ҳаётда орзу-мақсадларга эришишда бизнинг йўлимизни тўсиб турган омиллар кўп.

Биринчи сабаби шуки, биз ўз истагимизни аниқ тасаввур қила олмаймиз. Агар биз мақсадимизни яққол тасаввур қилсак, бизни у томон боришга йўл қўймайдиган тўсиқлардан ҳам бохабар бўламиз. Диққатни ана шу тўсиқларга қаратиш зарур. Ана шунда сиз ҳаракатланиш учун керак бўладиган харитага эга бўласиз.

Иккинчи сабаб эса ўзгариш учун ҳафсаланинг етишмаслиги, қандай бўлса, шундай яшашга қўниқиб қолиш. Бу бепарволикдан кутулиш учун ҳаёт тизгинини қўлга олинг. Бугунги ҳузурни машаққатга айлантириб, ўзимиздаги қатъийликка эргаша олсак, сўнгги

пушаймон душман эканини ҳис қилсак, ўзгарамиз.

Бу ҳаёт — бизга берилган имконият. Туғилишдан мақсад еб-ичиш эмас, балки одамларга хизмат қилиш, ўзимиздаги қобилиятни санъат даражасига етказиш, муваффақият қозонишдир.

Нега ўзгариши кераклигини билган, ҳис қилган ва бу қўлидан келадиган одам бунинг учун ҳаракат қилмайди? Улар жисмонан ўзгаришга қодир бўлсалар ҳам, уларнинг қалблари ҳаракатсизланиб қолган бўлади. Ён-атрофга қаранг, оддийликни ихтиёр этган юзлаб одамларни топасиз. Ваҳоланки, улар ҳам ўзгаришлари, жамиятни ўзгартиришлари мумкин эди.

Сиз ўзингиздан агар ҳозир ўзгармасангиз, бу ҳаётда нимани йўқотишингиз ва кун келиб, ҳаётни тарк этиш палласида бунинг учун қайси туйғу сизни қийнашини сўраб кўринг. Унутманг, ҳаётда бир марта яшашимиз рост, агар оқилона яшалса, шунда ҳам умр ҳузурланиб яшаш учун кифоя қилади. Имкон бор экан, ҳозирроқ улкан мақсадларни режа қилинг ва бошқача яшашга шайланинг.

Учинчидан, чекланган дунёқараш. Барчамиз адашиб хонага кириб қолган ҳашаротнинг аҳволини кузатганмиз: у жонсарақ бўлиб ёруғлик сари интилади, ўзини ёруғлик қираётган ойнага қайта-қайта ураверди, бироқ чиқиб кета олмайди. Бизнинг орамызда ҳам кўр-кўрона ҳаракатланадиган одамлар бор. Уларнинг ўзгаришга бўлган истаклари кучли бўлса ҳам, ҳашарот

каби қаердан чиқиш мумкинлигини билмайдилар. Бу ўринда уларга ёрдам берадиган куч илмдир.

Тўртинчидан, тақлид қилиш. Ҳамма ҳам аввалига тақлид қилади. Барча муваффақиятли инсонлар охир-оқибат юксалиш учун ўзларининг мустақил йўлларига эга бўладилар. Қилинган хатолар, камчиликлар, хулосалар, тажриба охир-оқибат ривожланиш йўлининг шахсий муқобилининг яратилишига сабаб бўлади.

Бешинчидан, ўзингизни муваффақият манзилига тасаввур қилинг. Илк ҳаракатларингизни тақдирланг, манзилга етганда ўзингизни қандай рағбатлантиришингизни, эришадиган ютуқларни тасаввур қилинг. Миёда ўша манзил пайдо бўлса, инсоннинг у ерга бориш эҳтимоли кескин ошиб кетади.

Шухрат САТТОРОВ

ГАМХҲҮРЛИК

БАЙРАМ БАҲОНА БОЛАЖОНЛАР КҮНГЛИ ОВЛАНДИ

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 3 декабр – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Янгийўл шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда байрам тадбири ташкил этилди. Унга ҳарбий қисмнинг жисмоний тайёргарлик ва спорт ишлари бошлиғи катта лейтенант Ф.Юнусов бошчилигидаги бир гуруҳ аскарлар ташриф буюрди.

Тадбир доирасида мактабдаги ногиронлиги бор ўқувчилар иштирокида спорт турлари бўйича эстафета мусобақалари ташкил этилди. Аскарларнинг табрик сўзлари, сафла юриш намойишлари ўқувчилар руҳиятини кўтариб, улар қалбда ватанпарварлик туйғусини янада жўш урдирди. Марказнинг "Импульс" вокал-чолгу ансамбли ижро этган куй-қўшиқлар болажонларнинг саҳна кўрни-

нишларига улашиб кетди.

— Ушбу таълим муассасаси билан домий ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди ҳарбий қисмнинг ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари капитан Ш.Розиқов. — Шу йилнинг ўзида турли байрамлар муносабати билан беш марта тадбирлар уюштирдик. Ўқувчилар кўнглини кўтариб, уларни маълум мақсадлар сари ундай олсак, биз мақсадимизга эришган бўламиз. Албатта, бу каби маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ўқувчиларга руҳий мадал ва куч-қувват бағишлаб, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис этишга ёрдам беради.

— Ўқувчиларнинг имконияти чекланган бўлса ҳам келажакка интилиши, спорт турлари билан мунтазам шугулланиши, турли тўғарақларда ўз қобилиятини намойён этаётгани биз учун ўзига хос туртки бўлиб, улар учун до-

имо гамхўрлик қилишимиз зарурлигини кўрсатмоқда, — дейди Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимининг ҳомийлик ва вазийлик кенгаши нозирни Абдуҷалил Султонов. — Бугунги тадбирга аскарларнинг ташрифи алоҳида аҳамиятли бўлиб, болажонлар учун келажакдаги орзу-мақсадларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Улар олган таассуротларини бир умрга ёддан чиқармайдилар, деб уйлайман.

Мактаб директори Наргиза Муслимова ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди. Якунда спорт мусобақаларида голиб бўлган ҳамда мусиқий ва саҳна кўринишларида фаол қатнашган ўқувчилар мақтов ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди, болажонлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Абдуқодир ОТАБОЕВ,
МАТБ маданий ҳордиқ ишлари
бўйича катта офицер — клуб
бошлиғи



Сержант Суннат НАЖИМОВ олган суратларда тадбирдан лавҳалар.




**Асосий қонунимиз –
Конституциямизнинг
26 йиллиги билан барчани
муборакбод этамиз.**

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ” ДУК жамоаси**

**Азиз юртдошлар!
Сизларни Конституциямизнинг
26 йиллиги билан табриклаймиз.**

**Бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик
доимо ҳамроҳ бўлсин!**



“O‘ZIMPEKSALOQA” МЧЖ ЖАМОАСИ


**“Ўзалоқаконсалтинг” МЧЖ
жамоаси**

**Қадрли юртдошларимизни
8 декабр – Конституция
куни билан табриклайди.**



**“Ўзбектелеком” АК
“ТОШКЕНТ ШАҲАР – ТЕЛЕКОМ”
ТАРМОҚЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

**Ҳамюртларимизни
Бахтимиз қомуси –
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ билан
самимий қутмайди.**



Ҳар кунимиз байрам бўлсин!

ИНТЕРНЕТ

Хитой 2026 йилгача ернинг барча аҳолисину бепул интернет билан таъминлайди

Хитойнинг LinkSure Network компанияси барча учун бепул сунъий йўлдошли интернет лойиҳасини тақдим этди.

LinkSure 272та сунъий йўлдошни тармоқли қоплама тузилишини яратиш учун ҳар хил баландликлаги орбитага олиб чиқади.


LinkSure Network матбуот хизмати компания вазифаси "рақамли тенгсизлик"ни енгиб ўтиши, ҳар бир инсонга бепул интернетдан фойдаланиш ҳуқуқини беришни хоҳлашини таъкидлаб ўтган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун, компания LinkSure Network сунъий йўлдошларини ишга тушириш дастурини амалга оширади. Улардан биринчиси LinkSure No.1

Хитойнинг шимоли-ғарбий ҳудудидаги Жикуан космодромидан 2019 йилда Хитойнинг Лонг Март ракеталарининг бирида ишга туширилиши керак. Яна ўнта сунъий йўлдош 2020 йилга қадар орбитага чиқарилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йилги ҳисоботида кўра, тахминан 3,9 миллиардга яқин киши интернетга кириш имконига эга эмас. LinkSure биринчи йўлдошлари бутун дунё тармоғидан ташқарида бўлган майдонларни интернет билан таъминлаши керак.

LinkSure Network ижрочи директори Ванг Жинининг сўзларига кўра, компания лойиҳага камид 3 миллиард юан (тахминан 590 миллион доллар) сармоя киритади.



ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пейжерлар энди тарих бўлиб қолади

Япониянинг энг "кекса" телекоммуникация компанияси Tokyo Telemessage пейжерларга хабарларни етказиш бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатишни эълон қилди.

1968 йилда Nippon Telegraph ва Telephone Public Corp. япон компаниялари матнли хабарларни фойдаланувчилар курилмаларига йўналтириш бўйича хизматни йўлга қўйган. Айнан 50 йил аввал шу тарихда пейжерлар пайдо бўлган.

Бу алоқа тури энг чўққига чиққан вақтда операторлар 10 миллионлаб тузилган шартномалар билан мақтана олишган. 1996 йилда Tokyo Telemessage 1,2 млн. фаол фойдаланувчидан иборат рекорд даражадаги абонент базасини қайд қилган.



Кичик ўлчамли курилма 25 йил аввал кўплаб кишилар учун ўзига тўқлик ва муваффақият кўрсаткичи ҳисобланган.

Кейин эса интернет, IM-мессенжерлар ва шуларга ўхшаш алоқа турлари жадал ривожлана бошлади. Уяли алоқа ва SMS-хабарлар тобора фаолроқ қўллана бошланди, телефон рақамига боғланган мессенжерлар пайдо бўлди.

Пейжерлар эса тобора камроқ қўллана бошланди, ушбу

гаджетларни ишлаб чиқарувчи компаниялар эса уларни ишлаб чиқаришдан 20 йил аввалоқ воз кечишган. Ҳозирда пейжер озмоз қўлланилган ягона соҳа — тиббиёт соҳаси ҳисобланади. Чунки пейжер смартфонлардан фарқли, хабар қабул қилиш вақтида халақитлар ҳосил қилмайди ва ўта сезгир тиббий курилмаларга таъсир қилмайди.

Бугунги кунда пейжерлардан дунёда бор-йўғи 1,5 минг киши фойдаланади. Бундай оз сондаги мижозлар сабабли пейжинг хизматларини кўрсатувчи дунёдаги охирги компания ушбу турдаги хизматларни тақдим қилишни тўхтатишни маълум қилди. 2019 йил сентябрдан пейжер батамом тарихга айланади.

ТВ

Японияда 8K форматдаги телеузастиш бошланди

Япониянинг NHK телеканали 2018 йил 1 декабрдан 8K форматда йўлдошли телетрансляцияларни бошлади.

8K формат бу — 7680x4320 (33,2 мегапиксел) ўлчамдаги тасвир. Таққослаш учун, HDTV тасвири 0,9 мегапикселга тенг. Фарқ, сезган бўлсангиз, жуда катта.

Стэнли Кубрикнинг "2001 йил: Космик одиссея"си япон телевидениесига эфирга узатилган "саккизинчи формат"даги илк филм бўлди. Warner Bros кинокомпанияси NHK буюртмаси асосида филмнинг 70 миллиметрлик негативини керакли ўлчамга мослаб сканерлаб берди.

Ноябр ойда NASA фазовий агентлиги халқаро космик станцияда 8K форматдаги видеони олган эди.



МЕССЕНЖЕРЛАР

Террорчилар Telegramга кўчмоқда



Белгия аксилразведка хизмати (VSSE) маълумотида кўра, илгари ўз тарғиботини ижтимоий тармоқларда олиб борган террорчилар энди Telegram мессенжеридан фойдаланишга зўр бермоқда.

— Бир неча йиллардан бери Facebook, Twitter ва YouTube каби компаниялар терроризм руҳидаги хабарларни тез аниқлаб, уларни ўчириб ташлапти, натижада террорчилар ўз тарғиботини янада торроқ доирада хабар алмашиладиган Telegram каби иловаларга кўчира бошлади. — дейилади Белгия аксилразведка хизмати ҳисоботида.

БРАУЗЕРЛАР

Microsoft янги браузер ишлаб чиқмоқчи

Microsoft корпорацияси Chromium платформасига асосланган янги браузерни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Бу ҳақда Windows Central хабар берди.

Ҳозирда Microsoft Edge Windows 10 тизимининг стандарт браузери ҳисобланади. Янги браузер шартли Anaheim номини олган ва Edge браузерининг ўрнини эгаллайди. Браузер 2019 йил бошида тақдим этилиши кутилмоқда.

Chromium платформаси асосида Амиго, Спутник, Орега, Яндекс.Браузер ва Google Chrome браузерлари ишлаб чиқилган.

ФАЗОВИЙ АЛОҚА

SpaceX бир уринишда фазога 64та сунъий йўлдош олиб чиқди



АҚШнинг SpaceX компанияси 3 декабрда 64та сунъий йўлдошга эга Falcon 9 ракетасининг парвозини амалга оширди.

Ракета Тошкент вақти билан соат 22:34да Калифорниядаги Ванденберг космодромидан учирилган. Ракета стартидан 8 дақиқа ўтиб унинг биринчи погонаси кейинчалик такроран ишлатиш учун Тинч океанидаги платформага қўндирилган. Эътиборлиси, компания ушбу погонани илк бор учинчи марта қайта ишлатди. Аввал бу блок май ва августда ракеталарни учуришда қўлланган.


Сунъий йўлдошлар белгиланган орбитага қисм-қисмлаб олиб чиқилган. Умумий ҳисобда фазога 17та давлатнинг 35та компанияси, тадқиқот ташкилоти ва таълим муассасаси курилмалари олиб чиқилди.

Бир уринишда орбитага бундай кўп миқдорда сунъий йўлдошларнинг олиб чиқиши АҚШ ҳудудидан амалга оширилган парвозлар учун рекорд натижа бўлди. Бироқ бу борадаги мутлақ рекорд 2017 йил февралда Ҳиндистоннинг PSLV ракетаси 104та сунъий йўлдошни фазога олиб чиққанда ўрнатилган.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қараб келинмоқда ва бу иллатга чек қўйиш, унинг олдини олиш бўйича изчил ишлар амалга ошириляпти.

2016 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши жиноятчиликнинг бу турига қарши курашиш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этди.



ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ

Уларни тергов қилиш ва экспертизадан ўтказиш амалиёти

Таъкидлаш жоизки, порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни очиш, дастлабки терговни ҳолис олиб бориш, суднинг ҳукм ва қарорларини одилона қабул қилишда суд экспертизаси ҳулосаси алоҳида аҳамият касб этади. Фан-техниканинг замонавий ютуқларига таяниб, ашёвий далиллар ҳамда ҳолатларни ҳар томонлама, чуқур тадқиқ қилиш натижасида берилган эксперт ҳулосаси иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, суд экспертизаси фуқаролик, ҳўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳўнар соҳасидаги махсус билimler асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва ҳулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракатдир.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судянинг қарори ва суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш учун асос бўлади. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади. Экспертзани тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва ҳулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

Тергов-суд амалиётида эксперт ҳулосаси иш бўйича далиллардан бири, баъзан (олатда, аниқ ва равшан бўлмаган жиноятлар бўйича) асосий далил ҳисобланади. Жумладан, порахўрлик жиноятларини фош этишда ҳам суд экспертизаси катта рол ўйнайди. Яъни, хатшунослик, дактилоскопик, фоноскопик, ҳўжатларнинг криминалистик-техник экспертизаси, товаршунослик ва заруратдан келиб чиқиб комплекс экспертизалар ўтказилади.

Хатшунослик экспертизаси — имзо ёки қўлёзма матнининг бажарувчиси, муаллифини аниқлаш учун хатшунослик соҳасида махсус билimlerга эга бўлган мутахассис томонидан суд ажрими ёки терговчи қарорига биноан ўтказиладиган тадқиқотдир. Ушбу экспертизанинг вазифаси қўлёзма, дастхат ёки имзолар мавжуд бўлган маълумотларни шарҳлаб бериш, муаллиф ёки ижрочи шахси тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, тадқиқ этилувчи объектлар қандай шароитда бажарилганлигини аниқлаш бўлиб, идентификацион ва ноидентификацион тавсифдаги масалаларни ҳам ҳал этади.

Жиноятларни очиш ва айбдорларни фош қилишда суд фоноскопия экспертизаси ҳам катта аҳамият касб этади. Суд фоноскопия экспертизаси шахсни магнит тасмасига ёзиб олинган нутқи бўйича идентификация қилишга (таққослашга) матн мазмунини сўзма-сўз аниқлашга ва тадқиқ қилинаётган фонограммани тайёрланган асбоб-ускунани текширишга имкон беради. Порахўрлик жиноятларида асосан пора берувчи билан пора олувчи, пора берувчи ва воситачилик қилувчи билан ўрталаридаги овозларини ёзиб олинган тақдирда суд фоноскопия экспертизаси ўтказилади. Бундан ташқари, пора олишда гумонланаётган шахс пора олганлигини рад этиб, воқеа содир бўлган вақтда бошқа жойда бўлганлиги видеотасмадаги тасвир тасдиқлаши мумкинлиги ҳақидаги вазини текшириш учун видеотасвир бўйича ҳам суд фоноскопия экспертизаси ўтказилади. Бунда тасвир қачон олингани, кадрдаги санага тузаловчи киририлган-киритилмагани, унда қалбакилаштириш мақсадидаги монтаж бор-йўқлиги, видеотасмадан илгари фойдаланилган-фойдаланилмагани масалаларига ҳам аниқ-

лик киритилади. Энг муҳими, видеотасвирда тасмада ёзилган шахснинг овози ва нутқи намуна сифатида қўлланилиши мумкин.

Порахўрлик жиноятларини тергов қилишда қўлланиладиган энг самарали экспертизалардан бири ҳўжатларнинг техник-криминалистик экспертизасидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига асосан, тадқиқот тўлиқ ва ҳолис бўлиши учун шубҳали ҳўжатлар юзасидан техник-криминалистик экспертиза тайинланади. Ҳўжатларни бу турдаги экспертизага юборилганда бир вақтнинг ўзида хатшунослик экспертизаси ҳам тайинланиб, ҳўжатдаги ёзувларни қалбакилаштиришда шубҳаланган шахсларнинг хат намуналарини илова қилиш мумкин.

Порахўрлик ишларида суд-товаршунослик экспертизаси ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, ушбу экспертиза шахсга пора тарикасида берилган товарнинг номи ва гуруҳи, қандай хом ашёдан тайёрланган, ундаги мавжуд нуқсонлар шикастланиш натижасида пайдо бўлганми ёки фойдаланаётгандами, товар янгими ёки эскими, буюмларнинг сифат тавсифлари намуна сифатида тақдим этилган бошқа буюмларнинг худди шундай кўрсаткичларига мувофиқ келадими, агар мувофиқ келмаса, фарқи нимада каби қатор саволларга жавоб беради. Саволлар тергов хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг тегишли бандида эксперт ҳулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг

ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олинмиши далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қондаларга амал қилинмаган ҳолда олинган деб топилишига ҳамда, ўз навбатида, номақбул деб баҳоланишига сабаб бўлиши кўрсатилган.

Маълумки, эксперт ҳулосаси иккига бўлинади: 1) ижобий ёки салбий, яъни эксперт берилган саволларга аниқ жавоб беради ва мазкур жавоблар ҳеч қандай тушунмовчиликка сабаб бўлмайди. 2) тахминий, яъни эксперт берилган саволларга имкон қадар жавоб беради, аммо бу жавоб тўлиқ жавоб шаклида олиб келмайди. Тахминий бўлган ҳулосадан далил манба сифатида фойдаланиб бўлмаса-да, ундан жиноят иши юзасидан шакланган айрим бошқа саволларга жавоб олишда фойдаланиши мумкин. Чунки жиноят ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган ҳар қандай маълумот жиноятчини фош қилишда асқотиши мумкин.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, порахўрлик билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда экспертиза тадқиқоти ўтказиш учун воқеа жойидан ёки пора олувчидан олинган излар, буюмлар, овоз ёзилган тасмаларни процессуал нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда эҳтиёткорлик билан экспертга тақдим этиш керак. Акс ҳолда, иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган далилий ашё нобуд бўлиши мумкин.

О.РЎЗИЕВ,
Сирдарё вилоят
прокуратураси
прокуратура органлари тергов
тармоқлари фаолияти
устидан назорат бўлими
бошлиғи,
Д.АБДУЛҲАЙ,
Мирзаобод туман
прокуратураси терговчиси

Порахўрлик жиноятларини тергов қилишда қўлланиладиган энг самарали экспертизалардан бири ҳўжатларнинг техник-криминалистик экспертизасидир.



Ҳерманн ҲЕССЕ
(1877–1962, Германия)

Немис адабиётининг улуг наомяндаларидан бири, Нобел мукофоти соҳиби Ҳерманн Ҳессе энг кўп мутолаа қилинадиган олон адибларидан биридир. Унинг кўплаб роман, қисса, ҳикоялари, шеърлари, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоп этилган. Улар орасида, айниқса, “Чўл бўйи”, “Маржонлар ўйини”, “Гилдираклар остида”, “Демиян” каби асарлари алоҳида доғруғ қозонган. Адиб, шунингдек, маънавий-маърифий йўналишда ҳам кўплаб асарлар ёзган. Юқорида тилга олинган “Гилдираклар остида” романи, шунингдек, “Нюрнбергга савҳат” сафарномаси ва бошқа кўпгина асарлар шулар жумласидандир.

Фарангистон тоғларида ҳали ҳеч қачон бундай қаҳратон қиш бўлмаган ва бунчалик узоқ чўзилмаган эди. Бир неча ҳафта-дирки, ҳаво очиқ, тиниқ, қуруқ совуқ забтига олган. Кундузлари очиқ, тиниқ мовий осмон остида қор босган кенг, қия далалар нурсиз, оқиш йилтираб, поёнсиз ястаниб ётар, кечалари эса кичкинагина Ой янада тиниқлашиб, сариқ ёғду сочар, унинг ўткир нурлари қирчиллама қиш совуғида қор узра хира аксланарди. Одамлар тепалик туғул, ҳатто кўчаларга ҳам чиқишмас, уйларга биқиниб олишган, тунда кўкимтир Ой нурида қишлоқ кулбаларининг ёниқ деразалари ис босгандек хира кўринар ва тезда ўчиб қолар эди.

Теварак-атрофда яшовчи жониворлар учун ҳам оғир давр бошланган эди. Майлароқлари тўп-тўп бўлиб музлаб қолар, қушлар ҳам қаҳратон қиш совуғига дош беролмай ҳалок бўлиб, қирғий ва бўриларга ем бўларди. Бироқ, аёз ва очликдан барчанинг силласи қуриган эди. Бўриларнинг ҳам жуда озгинаси омон қолган, кулфат уларни бир-бирига янада жипслаштирганди. Кундузлари емиш топиш илинжида улар якка-якка изғир эдилар. Дамбадам қор узра озиб-тўзиб кетган, шарпа янглиғ унсиз пусиб бораётган оч, бироқ ўта хушёр бўри кўзга чалиниб қоларди. Қор босган далада қафтдек соя унга эргашади.

Шамолда бир нимани сездими, ўткир тумшугини чўзиб, тинка-мадори қуриб, қисқа-қисқа увлаб қўяди. Кечалари улар гала-гала бўлиб овга чиқар, бўғиқ увиллаб, қишлоқлар атрофида изғирди. У ерларда мол ва паррандалар оғилларга маҳкам беркитилган, деразаларнинг дарчаларига ов милтиқлари суяб қўйилганди. Онда-сонда итми, шунга ўхшаш майда ўлжани ҳисобга олмаганда аҳвол танг, шундоғам гала ичидан икки бўри отиб ўлдирилган эди.

Совуқ ҳамон забтига оларди. Бўрилар иссиқроқ бўлиши учун кўпинча ёнмаён ётар, ҳувиллаган далаларга, қулай пайт келишини пойлашарди. Шунда улардан бири очлик азобига дош беролмай, кутилмаганда ваҳимали увлаб юборди. Унга бошқалари бир ҳам қўшилди, бир зумда чор-атрофни бўриларнинг дахшатли увиллаган овозлари тўтиб кетди.

Ниҳоят, галанинг чоғроққина қисми йўлга отланишга аҳд қилди. Эрта тонда уларнинг тарк этиб, бир ерга тўпланган бўрилар совуқ ҳавони безовта искай бошлади. Сўнг чамаси баравар кўзгалди. Ортда қолганлар олдиндагилар кетидан анча жойгача эргашиб чопиб борди, сўнг

иккилашиб тўхтаб, уларга мажолсиз қараб тургач, секин ин-нинга қайтди.

Йўлда бораётганлар қиём пайти бир-бирларидан ажралдилар. Учтаси шарқ тарафга – Швейцариянинг Юра тоғлари томон, қолганлари эса жанубга қараб кетди. Учала бўри келишган,



кучли бироқ ниҳоятда озиб-тўзиб кетган эди. Оқимтир қоринлари камардек тортилган, қовургалари аянчли тарзда туртиб чиққан, ҳалқумлари қуруқшаб, кўзлари маъюс ва тушқин боқарди.

Учовлон Юрага етиб боргандан сўнг иккинчи кунийёк битта қўй, учинчи кун эса ит билан қудунни ўлка олди, бундан даргазаб бўлган қишлоқ аҳолиси йиртқичларни ҳар томондан таъқиб қила бошлади. Чор-атрофдаги қишлоқлар ва шаҳарчаларда ваҳимали гап-сўзлар тарқалди. Почта ташувчи чаналар қуроллан-тирилди, милтиқсиз ҳеч ким кўчага чиқмайдиган бўлди. Учала йиртқич бегона жойда аввалига биров ҳайиққан бўлишса-да, шундай ажойиб ўлжадан сўнг ўзларини қўйиб юборишди: улар энди ҳар қачонгидан кўра тап-тортмас бўлиб, қишлоқ ҳовлиларидан беридаги молхонага куппа-кундузи ҳужум қилди. Тор оғил бир зумда ари усидек тўзиди, сигирлар аянчли мў-мўлар, ёғоч кўралар қарсиллаб синар, от туёқлари ерни титратиб дупурларди. Бироқ, бу гал одамлар етиб келди. Бўриларни ким ўлдирса, унга мукофот эълон қилинган, бундан деҳқонлар жасоратига жасорат қўшилганди. Улар шу заҳоти икки бўрини тинчитишди, бирининг бўғзига ов милтигидан отилган ўқ теккан бўлса, бошқасини ойболта билан бир ёқлик қилишди. Учинчиси чап бериб қочиб қолди, жони ҳалқумига келиб, қор устига қуламагунга қалар орқа-олдига қарамай югурди. Бўрилар ичида у энг навқирони, энг келишгани, шу билан бирга, бу мағрур жонивор бақувват, кучли, эпчил ва чаққон ҳам эди. У оғир-оғир нафас олиб, узоқ ётди. Кўз ўнгиде қонли қизил доиралар гир-гир айланар, оғриқ азобидан аҳён-аҳёнда тўлганиб қўярди.

Елкаси ойболта зарбидан жароҳатланган. Барибир биров тин олгач, у яна ўрнидан кўзгалди. Шундагина у жуда узоқ масофага югуриб борганига амин бўлди. Атрофда на бирон уй, на одам зоти кўринар-

ди. Рўпарасида қалин қор босган тоғ савлат тўкиб турарди. У Шассерал тоғи эди. Тоғни айланиб ўтишга аҳд қилди. Ташналик азоби устун келиб, бўри қорнинг музлаган устки қатлаמידан бир парча еди.

Тоғнинг нариги томонига ўтган ҳам эдики, у бир қишлоққа дуч келди. Кеч кириб борарди. Бўри қалин ўсган арчазор ичига кириб, нафасини ростлади. Қишлоқ молхоналарининг илимниқ ҳиди димоғига урилди-ю аста боғқўралар устидан ошиб ўтди. Кўчада ҳеч зог йўқ. Оғзидан сўлаги оқиб, қўрқа-писа ўзини уйлар орасига урди. Шу заҳоти ўқ овози янгради. У ўзини тутиб, энди югурмоқчи бўлган ҳам эдики, қарсиллаб иккинчи ўқ узилди. Оқиш қорнининг кўйи қисмидан йирик қон томчилари тирқирай бошлади. Бўри бор кучини тўплаб, ҳақкалай-ҳақкалай ниҳоят, нариги тарафдаги тоғ бағрида жойлашган ўрмонзорга етиб борди. У ерда бир зум теварак-атрофга диққат билан қулоқ солди, иккала тарафдан ҳам одамларнинг овозлари ва қадам товушлари эшитилди. Қўрқа-писа тоққа разм солди. Тоғ нишаб, сердарахт, унга чиқиб бориш анча мушкул. Бироқ, бошқа йўл ҳам йўқ эди. Бўри нафаси бўғзига тақирилиб, қия тоғ бағрига қарашганча аста юқорига ўрмалаб чиқа бошлади, пастда эса яқинлашиб келаётган оломоннинг гала-ғовур овозлари эшитилиб, дам-бадам фонуслар ялтिलाб қоларди. Ярадор бўри нимқоронғу арчазордан дир-дир қалтираб юриб борар, ярасидан жигарранг қон тизиллаб отиларди.

Совуқ сал ташладди. Фарб томондан осмон губорли эди – бу қор ёғишидан дарак эди. Ҳолдан тойган, тинка-мадори қуриган бўри ниҳоят бир

Ҳерманн ҲЕССЕ

амаллаб тепаликка чиқиб олди. У энди Mont Crosin деган жой яқинида, ўзи аронт қочиб чиқиб келган қишлоқ узра чўзилган қия, қалин қор билан қопланган кенг майдонда турарди. Очликни сезмас, бироқ жароҳати симиллаб оғриб, қаттиқ азоб бораётганди. Осилиб қолган бўғзидан аста, билнар-билнмас нидо келди, юраги оғир ура бошлади, муқаррар ўлим зилдек босиб келаётгандек туюлди. Шунда беҳосдан шохлари тарвақайлаб ўсган ёлғиз арчага кўзи тушиб: арча тагига бориб, гира-шира тун қаърига маъюс тикилиб қолди. Орадан ярим соат

вақт ўтди. Кутилмаганда қор устида галати ва майин, хира қизил нур пайдо бўлди. Бўри инграб, жойидан кўзгалди, ёруғлик томон интилди. Бу жануби-шарқ томондан катта ва қип-қизил бўлиб чиққан, тунги осмон узра тобора кўтарилиб келаётган Ой нури эди. Анча вақтдан бери у бу қадар қизариб, тўлишмаганди. Аста-секин жон таслим қилаётган жонивор хира, туссиз Ой гардишига маъюс-ланиб боқаркан, заиф хириллаган овозда увиллаб қўйди, овоз сасиз тун қаърига сингиб кетди.

Ҳадемай кўлларида фонуслар кўтарган одамлар етиб келди. Қалин палто кийган деҳқонлар, бошларига мўйна телпак, оёқларига иссиқ пайпоқди этик кийган овчилар, йигит-ланглар қорни бир-бир босиб, яқинлашиб келишарди. Ҳамма шодон қийқирай юборди. Ҳаром қотаётган бўрига кўзлари тўйиб, унга икки марта ўқ узилди, иккала ўқ ҳам нишонга тегмади. Кейин келиб кўришсаки, ўзи жон талвасасида ётди. Улар таъқиб ва сўйилларини ўйнатиб, бўрига ёпирилишди. Бўри буни ортиқ сезмади ҳам.

Тилка-пора бўлган бўри жасадини Санкт Иммер томон судраб олиб кетишди. Ҳаммалари кулишар, бир-бирларига мақтанишар, ароқ ва қаҳва ичиб, хурсандчилик қилишар, ашула айтишар, сўкинишарди. Қалин қор қоплаган гўзалликни, баланд ясси тоғ ёғдусини, ов милтиқларини миллари, биллур қор зарралари ҳамда ўлдирилган бўрининг сўниқ кўзларини гира-шира ёритиб, Шассерал тоғи узра осилиб турган ёруғ Ойни эса ҳеч ким кўрмас эди.

Олом тилидан
Мирзаали АҚБАРОВ
таржимаси

Бўрилар ичида у энг навқирони, энг келишгани, шу билан бирга, бу мағрур жонивор бақувват, кучли, эпчил ва чаққон ҳам эди.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ! ПРЕЗИДЕНТ УЛАРГА “СПАРК” АВТОМАШИНАСИ СОВБА ҚИЛДИ



Туркиянинг Коня шаҳрида дунёнинг 39 мамлакатидан 46 жамоа иштирок этган 16 ёшгача бўлган бўлган ақл-идрок соҳиблари ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиада-си бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз 9 тур якунига кўра олтин медалга эга чиқдилар.

Шахматчиларимиз мусобақа давомида Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Украина, Венгрия, Полша, Молдова каби терма жамоаларни мағлуб этишди. Битта турда америкалик рақибларга имконият бой берилди.

Шахмат Олимпиадасида юртимиз шарафини халқаро гроссмейстер мураббий Саидали Йўлдошев раҳбарлигида Нодирбек Ёқуббоев, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов ва Ситора Сапарова ҳимоя қилди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон терма жамоаси аввал бундай натижа кўрсатмаган. Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг мазкур олтин медали ўзбек шахмати тарихида дастлабкисидир.

Кеча, 6 декабр кuni ўзбек шахмат мактаби довуғини дунёга танитаётган ёш ақл-идрок эгаларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Маросимда ёш шахматчиларимизнинг Жаҳон ўсмирлар олимпиадасидаги ютуғи яна бир бор эътироф этилди.

Эътиборлиси, Нодирбек Ёқуббоев (9 имкониятдан 8 очко) ва Шамсиддин Воҳидов (8 имкониятдан 7,5 очко) шахсий натижаларга кўра ҳам олтин медалга сазовор бўлдилар. Тадбирда ушбу шахматчиларимизга Президент совғаси — “Спарк” автомашинаси топширилди.

ФУТБОЛ

ЭКТОР КУПЕР: “МАҚСАДИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ”



6 декабр кuni Ўзбекистон футбол ассоциациясида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Эктор Купер иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Эктор Купер Осие кубогига олиб борилаётган тайёргарлик жараёни, бўлиб ўтган йигинлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди: “Австралияда ўтказган йигинимизда бўлиб ўтган учрашувлардаги натижалар ижобий бўлмаганини таъкидлай оламан. Лекин ўртоқлик

ўйинлари ва йигинлар мавжуд муаммоларни кўриб, билиб олиш учун яхши имконият ҳисобланади. Секин-аста мана шу камчиликларни бартараф этган ҳолда Осие кубогига яхши ҳозирлик олиб боришга уринамиз. Осие кубогидан умидларимиз катта. Мақсадимиз қитъанинг бош мусобақасида ғалаба қозониш”, — деди у.

“Осие кубогига таркиб танлашда уруғ фақатгина ноябрда бўлиб ўтган йигинда қатнашган футбол-

чиларга қаратилмайди. Шу пайтга қадар ташкил этган барча йигинлар давомида бир қатор футболчиларни кўз остига олиб қўйганмиз. Қолаверса, ҳали олдинда яна битта ўқув-машгулот йигинимиз мавжуд. Мухлисларимиз Осие кубогига борадиган таркибда умуман янги номларни кўришлари ҳам мумкин. Мен оптимистик руҳдаман ва Осие кубогига ғалаба қозониш ниятида йўл оламиз”, — қўшимча қилди бош мураббий.

БОКС

МУРОДЖОН АҲМАДАЛИЕВ WBA РЕЙТИНГИДА БИРИНЧИ ПОГОНАГА КЎТАРИЛДИ

Профессионал боксчиларнинг янги рейтинг эълон қилинди. Унга кўра, иккинчи энгил вази тоифаси (55,3 кг)да ўз жанглари ўтказётган Муроджон Аҳмадалиев ноябр ой-

ида ўтказган жангидан сўнг рейтингнинг биринчи погонасига жойлашган, деб хабар берди Миллий Олимпия кўмитаси матбуот хизмати.

Эслатиб ўтамиз, у 24

ноябр кuni америкалик Исаак Заратега қарши жанг ўтказиб, нокаут эвазига ғалаба қозонди. У ўша жангида ўзининг WBA Intercontinental камарини ҳимоя қилганди.

Маълумот учун, айна пайтда WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони америкалик Даниэл Роман ҳисобланади. Аҳмадалиев биринчи ўринга чиқиб олиш орқали, олтин камар учун асосий даъвогарлардан бирига айланиб олди.



ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисобрақамига 2018 йил 5 декабрда “Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази” ДУК томонидан 20 000,0 минг сўм, 6 декабрда “АЛСКОМ” СК томонидан 8 300,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур ҳомийлик пули Жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Наманган вилоят “Матбуот тарқатувчи” ШК жамоаси корхона бош мутахассиси Соҳибжон Усмоновга волидаи муҳтарамаси **ХАДИЧАХОН аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар “Bilim” ахборот-кутубхона маркази жамоаси марказ директори Ҳафиза Каримовага турмуш ўртоғи **Ислом ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРАЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ;

“O‘ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига 2017 йил 6 февралда берилган АА серияли 0006078 рақамли;

“STAR SERVICE GROUP” (Тошкент шаҳри) масъулияти чекланган жамиятининг аризасига мувофиқ;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 22 июнда берилган АА серияли 0006205 рақамли;

- маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2017 йил 28 сентябрда берилган АА серияли 0006260 рақамли;

“TELECOM DIRECTION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш фаолиятига 2015 йил 6 октябрда берилган АА серияли 0005685 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 20 ноябрдан тугатилди.

Боламизни қайсидир дастурлаш курсига юборишга пулни қизганимиз-у, тоғорага, араққа, отарчига пулни аямаймиз.



“САРПОКИЙДИ”дан “КУЁВСАЛОМ” гача:

фақат куёвни айбламанг!

Шу вақтга қадар қайнотасининг ҳисобига кийинадиган, у олиб берган мебелларда ётадиган, хуллас келин томонни яхшигина харажатга қўядиган куёвлар ҳақида кўп гапирилди, гапирилмоқда. Ҳатто “куёвчак” деган истеҳзоли сўз ҳам луғатимиздан ўрин олди. Ёзғувчилар аччиқ фикрлар ила уларни аёвсиз нишонга олди. Қайнота олиб келган ётоқхона мебели, келин олиб берган пардаю ич кийим-гача танқид қилинди.

Ўтган давр мобайнида интернетни забт этган икки воқеа мени қаттиқ ҳаяжонга солди: бири йил аввалида Бухорода куёв томонга “турк материаллига сарпо қилгани учун” тўйи қайтарилган келин воқеаси ва яқинда кузатилган “куёвсалом” саҳнаси. Ҳар икки вазиятда бахтни латта билан ўлчаган ва қизлардек ийманиб салом қилиб, совға қабул қилган куёвга аёвсиз танқидлар ва ҳақорат(!)лар ёйилди.

Аслида (буни Сенатимиз ҳам тасдиқлади, афсуски) “тўй

маросимларини қай тартибда ўтказиш индивидуал, шахсий иш саналади”. Куёв салом бериб, совға йиққан бўлса ҳам, уни ҳеч ким жавобгарликка тортмайди. Мен ушбу вазиятда масаланинг бошқа тарафига эътибор қаратмоқчиман.

Хўш, нега бу йигитлар (биз билганимиз шу, ҳозирча) шу кўйга тушишди? Ахир улар, онасининг қорнидан гурусиз ва молпараст бўлиб туғилмагандир? Уларга қандай тарбия берилди? Онгига нималар сингдирилди? Уларга дунё,

яшашдан мақсад, эркак қандай бўлиши кераклиги каби муҳим тушунчаларни ким ўргатди? Яна бир муҳим жиҳат — уларнинг дунёқарашни кимларнинг, қандай шахсларнинг ичида шаклланди? Нега орсиз куёвни танқид қилаётганда, кўпинча унинг атрофидагиларни, шу саҳналар ташкилотчиларини ҳам инобатга олмаймиз?

Йиллар давомида бир давлат вакиллари пулга ўчлик ва иқтисодий тараққиётни ортидан қувишда, яна бир мамлакат аҳолисини пиёнисталик ва оилани севмасликда айбладик, топгани “бир чемаданга сиғиши”ни айтиб, мазах қилдик. (Зийрак ўқувчи кимларни назарда тутганимизни англади). Яна кимларнидир “за-

кунчилик” ва ҳатто “отасини ҳам судга бериши”ни гапирдик. Лекин... биз ўзимиз ҳам ҳаммасини кўнгилдагидек бажармадик.

Бизга тўйларни камхарж ва дабдабасиз ўтказишни хоҳлайдиган, юкни ўз елкасига оладиган йигитлар билан бирга, тўйларнинг худди мана шундай ўтишига тайёр жамият керак. Одамлар ўзгариши керак эмасми, замондош?

Яратувчанлик, ихтиролар борасида орқадимиз-у тўй ва “тўйча”ларни кўпайтиришда етакчимиз.

Таълимда оқсаймиз, болаларимизга ақалли уй вазифасида ёрдам бера олмаймиз-у қайсидир Анзират холянинг “келинсалом”ида тушган матолар номини кетма-кетликда санаб бера оламиз.

Чет тиллари тугул, ўз она тилимизни ички имкониятлари, бойлигини билмаймиз-у ҳашамат, қорин гами бобида “сайраймиз”.

Боламизни қайсидир дастурлаш курсига юборишга пулни қизганимиз-у тоғорага, араққа, отарчига пулни аямаймиз.

Энг ёмони эса, тўйини ўз билганича, камхарж ўтказмоқчи бўлганларни ҳам гапирмаймиз. Бу зехниятимизнинг афсусланарли унсурларидан. Кўпчиликнинг қарашига тўри келмаган шахсий ташаббус, албатта, йўқликка юз тутади.

Латтапараст ва орсиз куёвларни етиштирмаслик учун ўзимизни ҳам анча ислоҳ қилшимиз ойдинланмоқда, назаримда. Бўлмаса, “космик кемалар коинотни забт этаётган бир пайтда”... “куёвсалом”ни томоша қилиб, тишларимизни гижирлатиб юраверамиз.

Улуғбек ОРИПОВ,
“Хабар” мухбири

РЕКЛАМА

ООО ПП "Telmax Elektroniks" предлагает

Производство телекоммуникационного оборудования также нестандартные металлоконструкции и изделия по техническим заданиям и чертежам Заказчика;

Готовые продукции:

Телекоммуникационный шкаф 19", 24(тип 42U); Шкаф для электросчетчика; Мульти-опт-4,8,16 портовый; GSM/GPRS модемы; Шлюз типа IAD (4,16,32); Блок-контейнер для телекоммуникационного оборудования(2000*2000*2000); БКТО 100, 200; БКТ 100, КРТМ 10*2.

Адрес: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. С Азимова, д. 72А, Ор-р: ГУВД, Магазин Корзинка
Телефон: (71) 233-70-92, 232-07-11, 233-37-74, (99)810-71-74
Факс: (71) 232-07-11, e-mail: info@telmax.uz



БЛАГОДАРНОСТЬ

СПАСИБО ВАМ, КОРЕЙСКИЕ КОЛЛЕГИ!

Мы, коллектив Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий выражаем искреннюю признательность Университету Пучон в г.Ташкенте (BUT). Уважаемые корейские коллеги поддержали нас в подготовке профессиональных кадров путем оказания благотворительной помощи в виде частичной реконструкции учебных кабинетов и лабораторий колледжа на основании заключенного между Университетом Пучон в г.Ташкенте (BUT) и ТПКИТ Договора о благотворительности.

Желаем им крепкого здоровья, больших успехов в работе.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайбат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлигини мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1243 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2791 нусха.

Вилоят мухбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода (0365)600-87-21	Жиззахда (94) 199-95-64	Наманганда (91) 353-71-25	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда (91)557-84-44	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 291-43-28	Урганчда (97) 211-65-05	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------------	-------------------------	---------------------------	--------------------	-------------------	---------------------------	------------------------	---------------------	-------------------------	---------------------	-----------------------